



ЯНГИ УЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАР МАСАЛАСИ

Курбанова Мухаббат Авазовна¹

¹ АДТИ ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси уқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5903068>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 10 -yanvar 2022
Ma'qullandi: 15 -yanvar 2022
Chop etildi: 20 -yanvar 2022

KALIT SO'ZLAR

Аёлга муносабат, миллат, давлат, "Хотин-қизлар, эркаклар, учун, тенг, ҳуқуқ, эртанги кун, келажак авлодга.

Аёлга муносабат – миллат, давлат, эртанги кун ва келажак авлодга бўлган ҳурматни намоён этишнинг асосий мезони ҳисобланади. Мамлакатимизда сўнгги йилларда аёллар масаласида жамиятда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларимиз учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, ёшларнинг ўз билим ва салоҳиятларини тўлақонли намоён этишини таъминловчи тизим яратилди. Хусусан, ҳозирги пандемия даврида бу борадаги ишлар самарасига ҳар қачонгиданда кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бугун давлатимиз раҳбари томонидан жамиятда аёллар ва ёшлар фаоллигини ошириш ҳамда улар дуч келадиган муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш учун илгари суриладиган «ёшлар дафтари» ва «аёллар дафтари»ни шакллантириш учун ёшлар

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни тадқиқ қилинган. Мустақиллик йилларида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган ишлар мазмунини ёритиб берилган.

масалалари бўйича ҳар бир туманда алоҳида ҳоким ўринбосари, унинг 3 нафаргача мутахассиси, Ёшлар ишлари агентлиги бўлимининг 3 нафар ходими, вилоятда ҳам ҳоким ўринбосари, унинг 4 нафар мутахассиси, Ёшлар ишлари агентлиги бошқармасининг 11 нафар ходими фаолият юритяпти. Хотин-қизлар масалалари бўйича ҳар бир маҳаллада алоҳида раис ўринбосари, туманда – маҳалла ва оила бўлими бошлиғи ўринбосари ва 2 нафар мутахассиси, вилоятда эса 8 нафаргача штат бирликлари ташкил этилган.¹

Мустақиллик Ўзбекистон аёлларини жамиятнинг том маънодаги тенг ҳуқуқли аъзосига, жумладан, сиёсат субъектига айлантирди. Мустақиллик

¹ <https://yuz.uz/news/ayollar-va-yoshlarni-qollab-guvvatlash-borasida-yangi-va-samarali-tizim-yaratiladi>



туфайли аёллар давлат ва жамият бошқарувида бевосита ёки билвосита иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар. Бу – Ўзбекистон халқининг, жумладан, аёлларимизнинг тарихий ютуғидир. Аёлларнинг иқтисодий ҳаётда ижтимоий фаоллигини ташкил қилишга, уларда тадбиркорлик, ишбилармонлик хусусиятларини шакллантиришга, уларнинг менежмент, макро ва микроиқтисодиёт борасидаги билимларини оширишга қаратилган фуқаролик институтлари ҳам ўзларининг кенг фаолиятларини олиб бормоқдалар. Мазкур йўналишдаги фуқаролик институтлари аёлларни ижтимоий-иқтисодий ҳаётга жалб этиш, уларни иқтисодий ислохотларнинг фаол қатнашчиларига айлантиришни назарда тутди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар хотин-қизлардан ҳам ишбилармонлик ва тадбиркорлик, иқтисодий билим ва кўникмаларни талаб этади. Аёллар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тенг ҳуқуқли иштирокчи сифатида қатнашишлари учун Ўзбекистонда зарур ҳуқуқий база, норматив ҳужжатлар яратилган. Ҳозирги кунда хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ролини оширишга, уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида ижтимоий муносабатларда ҳам, қонунчиликда ҳам жуда катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, 2 сентябрь 2019 йилда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни [1] қабул

қилинди. Қонун билан илк бор миллий қонунчилигимизда “гендер” тушунчасига таъриф берилиб, давлат хизмати, сайлов жараёнлари, ижтимоий-иқтисодий, таълим, илм-фан, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун давлат томонидан тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилиши кафолатланди тенгликни таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, парламент юқори палатасида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси, Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат-кенгашлари ташкил этилди.

Соҳага оид қонунларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2020 — 2030 йилларда гендер тенгликни таъминлаш стратегияси лойиҳаси тайёрланди. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси [2]да белгиланган устувор вазифалар ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадлар [4] ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилди. “Ўзбекистон Республикасининг 2020 — 2030 йилларда гендер тенгликни



таъминлаш стратегияси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида [3] ҳам айнан хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги кенг иштирокини таъминлаш масаласига жуда катта эътибор қаратилган.

ХУЛОСА

Ижтимоий ҳаётда амалга оширилади

демократик ўзгаришлар кишиларнинг онгига, ҳаёт тарзига ва ижтимоий фаоллигига таъсир этмай қолмайди, чунки демократия том маънода халқ манфаатларига, кўпчиликнинг орзу тилаklarини рўёбга чиқаришга имкон беради. Айниқса ҳозирги пайтда, демократия умуминсоний қадрият сифатида эътироф этилаётганида ижтимоий фаолият (фаоллик) билан демократия, демократик ўзгаришлар бир-бирини тақозо этувчи воқеликка айланади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (ЎРҚ-562-сон 02.09.2019).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.02.2021 йил ПФ-6155-сонли Фармони.
4. 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.10.2018 йил 841-сон Қарори. information and educational environment. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(2), 360-365